

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ТОПШИРИФИ БИЛАН ФУРҚАТ ТУМАНИДА МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК СОҲАСИГА ИХТИСОСЛАШГАН ЗАМОНАВИЙ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Вилоят ҳокими Ҳайрулло Бозоров Фурқат туманидаги Ўзбекистон халқ устаси Муҳаммадали Юнусов раҳбарлигидаги “Уста Юсуфжон наққош” оиласи корхонасида бўлиб, миллий ҳунармандчилик соҳасига ихтинослашган замонавий умумтаълим мактабини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Ёғоч ўймакорлиги, мебелсозлик, зардўзлик ва наққошлик каби ҳунармандчилик турларига ихтинослашган ушбу замонавий умумтаълим муассасаси, Давлатимиз раҳбарининг тошириқлари асосида Қўйонбой маҳалласидаги собиқ сув хўжалиги биносини маҳаллий бюджет маблағларидан қайта таъмирлаш, инфратузилма, ахборот-кутубхона маркази, асбоб-анжомлар, моддий-техника ва хом ашё базаси билан таъминлаш ҳисобига барпо этилмоқда.

Таъмирлаш ишларининг боришини кўздан кечирган вилоят ҳокими, ишларни жадаллаштириш, муддатида ва сифатли якунлаш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йилда вилоятимизга ташрифи давомида “Уста Юсуфжон наққош” оиласи корхонасида бўлиб, уста Муҳаммадали Юнусов билан сухбатлашганди, мазкур оиласи корхона ёнида мактаб ташкил этиш, унда ҳунарлар билан бирга математика, геометрия, физика, кимё каби фанларни ҳам чуқурлаштириб ўқитиш муҳимлигини таъкидлаганди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-08-07 22:51:13